

ИНГЛИЗ ТИЛИ БАДИЙ МАТНИДА PAST SIMPLE ШАКЛИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҚЎЛЛАНИШИ

Л.Кудратов¹

Аннотация:

Ушбу мақола инглиз бадий адабиётида ўтган содда замоннинг функционал қўлланилишини ўрганади. Ҳикоя контекстида муваққат шакллардан фойдаланиш хусусиятлари кўриб чиқилади, семантик ва услубий жиолар аниқланади, муваққат тузилмаларнинг адабий асарларни идрок этиш ва талқин қилишга таъсири таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: темпорал, процессуалли, имперфективлик, референция, инхоативлик, микроситуация

doi: <https://doi.org/10.2024/dbv1a023>

Матн – нутқ ҳаракатининг оғзаки ёки ёзма равишда амалга оширилишидир. “Семантик бирлик бу – таркибий ва семантик яхлитлик билан ажралиб турадиган ижтимоий аҳамиятга эга, вазиятли шартли коммуникатив бирликдир.” (Москальская О.И. Грамматика текста, 1981. - 175 с).

Матн расмий, композицион, семантик ва мазмун жиҳатларда чегараларга эга. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай матн реал воқеъликнинг бошланиши, ривожланиши ва охири билан боғлиқ бўлган яқунга эга. Ҳақиқий жараённинг уч босқичини объективлаштириш турли лисоний шаклларда, жумладан, матннинг темпорал ва ўзига хос структуравий кўринишда амалга оширилади. Матннинг ўзига хос тузилиши оғзаки ва оғзаки (яъни вербал ва новербал) бўлмаган лингвистик воситаларнинг лексик маъноси билан ифодаланган, турли номга эга ҳаракат усуллариининг корреляцияси кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бундан ташқари матн семантик хусусиятларнинг бинар оппозицияси – процессуаллик, яхлитлиги, билан ифодаланиши мумкин. Бунда биз ривожланаётган ёки тўлиқ ҳаракатни ифодалашга қодир бўлган тугалланмаган оддий ўтган замонларининг, давомли замон шакллари расмий-семантик қарама-қаршилигини назарда тутмоқдамиз. Берилган оппозициянинг матн ҳосил қилувчи хусусияти ривожланаётган иш-ҳаракати инглиз тилида Past Simple (ўтган ноаниқ замон) замон шаклдаги феъл ёрдамида номоён бўлса, ўзбек тилида эса сўзловчи томонидан етқарилаётган маълумотни сўзлаши вақтига нисбатан яқин ёки олдин солир этилганлигига қараб яқин ва узоқ ўтган замонлари танланади. Бу каби феъл шакллари танланиши матндаги воқеа-ҳодисалар ифодаланиши темпорал жиҳатдан, аспектвал томонлама таҳлилни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Инглиз тилида Past Simple да ифодаланган бадий матндаги воқеа-ҳодисалар семантикаси бевосита феълнинг лексик маъносидан келиб чиққан ҳолда перфектив ёки имперфектив бўлиши мумкин. Масалан: Не

¹ Кудратов Лазиз, СамДЧТИ Инглиз тили лексикологияси ва стилистикаси кафедраси ўқитувчиси

wanted things patched up.’ She plodded to within a yard of him and stopped. Wexford was reminded of an illustration in a storybook belonging to one of his grandsons, a picture of a cabinet with arms and legs and a surly face. ‘I’ll tell you one thing,’ she said. ‘If that Angela was nervy, it was shame that did it. She was ashamed of breaking up his marriage and making him a poor man. And so, she should have been, she ruined three people’s lives. I’ll say that at your inquest. I don’t mind telling anyone that.’ ‘I doubt,’ said Wexford, ‘if you will be asked. I’m asking you about last night.’ (Ruth Rundell, 27)

“He wanted things patched up” микроситуацияси бошидан охиригача тўлиқ ифодаланди. Past Simple (оддий ўтган) замондаги wanted феъли субъектнинг бутун истак-хохишларини бир бутун ҳодиса сифатида тақдим этган. Кейинги гаплардаги ҳаракатнинг иккала қисми бир-бири билан узвий боғланган, аммо “ҳаракат истиқболи” мавжуд эмас. Фақатгина матндаги ‘I’ll tell you one thing,’ кириш гапнинг коммуникатив истиқболини юзага келтирган. Матн давомида воқеялар ривожини “it was shame” предикати темаси орқали эмас, балки ўзида батафсил қўшимча семантик белгиларни номоён этган ифода ёрдамида акс эттирилган “she was ashamed of breaking up” микро-ситуациялардаги ҳам “his marriage” темаси ривожлантирилади.

Имперфект замон шаклидаги “was ashamed” феъли ёрдамида биринчи ва иккинчи гаплардаги ифода воситаси коммуникатив жиҳатдан “I’ll say”, “I doubt”, предикатлари семантикасига асосланади. Ушбу вазиятда имперфект шаклидаги “say”, “doubt” феъллар матн давомийлиги истиқболи семаси туфайли воқелик тасвири мувафақиятли амалга оширилган. Воқеялар ривожини акс этган ҳаракат бир бутун кўринишда бошқа ҳаракат билан тугайди. Past simple замон шаклидаги феъл иштирок этган инициал гап, воситали тўлдирувчи ҳамда эга темалари воситасида жорий матнда кириш вазифасини ўташи мумкин: Мисол учун: She had been furious when he’d told her that her father had hired him. And even then, she’d had an inkling of what his life entailed. She had accused him that first night of being without honor, without purpose. (Susan Law,45)

Бош гапдаги “had been furious” предмети “he’d told” билан боғланади. Бунда “told” предикат тема “had hired” предикати рема бўлиб бевосита ва билвосита матн билан боғланади. Иккинчи гапдаги “entailed” предикати матннинг кенгайтирилган тавсифи учун хизмат қилса, учинчи ва тўртинчи гаплар эса матн мақсадини очиқ бериш учун хизмат қилган.

Бош гап предикати темаси кичик матннинг семантик структурасида такрорланган ҳолатларда интродуктив гапнинг предикати (кесими) ўтган оддий замон шаклига эга бўлса, матннинг коммуникатив ривожланишидан кўра нарратив мазмун касб этади. Масалан: It took a moment for a Sam to collect himself enough actually to register what was on the paper. His head was swimming, caught up in that potent and completely unexpected jolt of heat from when she had brushed up against him (Susan Law,22) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас:

Ушбу лавҳадаги “took” предикатининг темаси “caught up” предикатига ишора қилади ва шу тарзда матн бўйлаб ҳаракатланади. To take феълнинг Past simple (оддий ўтган замон) шакли ҳаракати темпорал хусусият билан бирга дуративликни англатади. Бу ҳодисалар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Past simple грамматик шаклда берилган воқея-ҳодисанинг яхлитлиги мана шу каби матнларда шундай номоён бўлади. “Вақт сарфламоқ” семаси – ҳаракат ҳақидаги хабарни тугаллайди. Предикатнинг

темаси айнан ўша феъл шаклида яқун топади. Биринчи микро вазият интродуктив ориентация маркази “to take” денотатидан “what was on the paper” денотациясига ўтади. Кейинги вазиятларда “when she had brushed up” предикати қолган вазиятларга темпорал референция вазифасини бажаради.

Шунинг учун суперфраза бирликларининг ўзига хос синтактик тузилиши билан алоқадор параллел конструкциялар, кетма-кет келадиган, “бўлиниш”га қурилган, конкретлашган феъл қурилмалари маънолари орқали амалга оширилади. Бинобарин, матндаги маъно айланиши ҳар доим ҳам схемага мос келавермайди. Тугалланмаган замон шаклидаги предикат □ семантик ривожланиш □ оддий ўтган замон шаклидаги предикат темаси билан уйғунлашади. Интродуктив функция гапнинг бошқа лингвистик таркибий қисмлари учун ҳам амалга оширилади, шу жумладан лексик семантикаси таркибида “инхоативлик” семаси мавжуд бўлган оддий ўтган замондаги предикат темаси билан ҳам ушбу ҳол содир бўлади. Мазкур ҳолатда, интродукция ва интеграция, семантик ривожланишни яқунлаш функцияларини амалга оширадиган оддий ўтган замоннинг синкретик табиати ҳақида гапириш мумкин. Имперфективлик функцияси ҳар доим темпораллик билан боғлиқ бўлади. Чунки матндаги Past continuous шакл past simple шакли билан темпорал жиҳатдан мослашади, яъни маълум вақт кечимида содир бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1]. Москальская О.И. Грамматика текста. - М.: высшая школа, 1981. - 175 с.
- [2]. Шилко Г.П. Текст образующая роль субстантивированного инфинитива в современном немецком языке. -В сб.: Романское и германское языкознание. Минск.: Высшая школа, 1983, выл. 13, с.29-34.
- [3]. Виноградов В.В. Исследования по русской грамматике. -М.: Наука, 1975. - 559 с.